

**ЭРИТИЛГАН ПИШЛОҚ МАҲСУЛОТЛАРНИ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ АСОСИДА
СИНФЛАШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШ**

Эшдавлатов Н.С.

ТКТИ 2- курс магистранти.

Саматов А.А.

ТКТИ доцент.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14227663>

Жаҳонда пишлоқ ишлаб чиқариш ҳар йили ўртача 22 млн. тоннани ташкил қилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, сўнги йилларда дунё аҳолиси орасида жон бошига истеъмол қилинадиган пишлоқ маҳсулотларининг кунлик меъёри ортиб бормоқда. Шу билан бирга пишлоқ маҳсулотларини товарлар номенклатураси бўйича таснифлашни физикимёвий усуллар ёрдамида ўрганиш ва уларнинг янги турларини яратиш бўйича техник регламент ишлаб чиқиш ҳамда ушбу маҳсулотларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишлар муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда сут ва сут маҳсулотлари асосидаги товарларни божхона экспертизасидан ўтказишни такомиллаштириш, ташқи савдо фаолиятини либераллаштириш, товарларни идентификациялаш, товарлар алмаштиришнинг олдини олиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Бу борада, маҳсулотларнинг сифати ва ҳавфсизлиги бўйича рақобатбардошлигини ошириш, товар учун тақдим этилган хужжатларни ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ ТН)нинг товар позицияси ва подсубпозицияси матнига мослиги ҳақидаги маълумотларни аниқлаш усулларини ишлаб чиқишига алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимизда янги ҳусусиятларга эга товарлар оқимининг кўпайиши ва товарларни божхона мақсадларида идентификациялаш бўйича методологик усулларни ривожлантириш, ТИФ қатнашчилари ва божхона ходимларининг ТИФ асосида товарларни таснифлаш тўғрисидаги қарорлар қабул қилиш жараёнини соддалаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, одамларнинг экологик ҳавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, божхона экспертизасини

такомиллаштириш»¹ бўйича мухим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиқсан ҳолда мамлакат иқтисодиётини ва аҳоли соғлигини ҳимоялаш, эритилган пишлоқ маҳсулотлари учун яратилган техник регламент асосида уларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш, уларнинг ташкини иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича тегишли код рақамларини яратишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш мухим аҳамият касб этади. Дунё миқёсида, айниқса ҳамдўстлик мамлакатларида пишлоқ маҳсулотининг сифат кўрсаткичлари текширувларида асосан маҳсулот таркибидаги умумий оқсил, ёғлар қуруқ моддалар ва сув ҳамда қўрғошин, симоб каби баъзи бир оғир металларнинг миқдорлари аниқланади. Пишлоқ маҳсулотлари сифатини текширишда кимёвий таркибини физик-кимёвий усуллар билан тадқиқ этиш яхши натижаларни беради.

Шунга кўра, пишлоқ маҳсулотларини экспертизадан ўтказишни, товар сифатини назорат қилишни ва сертификатлашнинг замонавий усулларини яратишни ва амалиётга жорий этишни тақозо этмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, дунё аҳолиси орасида жон бошига истеъмол қилинадиган пишлоқ маҳсулотлари кунлик меъёри 100г ни, сут маҳсулотларининг меъёри эса 900-1000 г ни ташкил қиласди. Дунё миқёсида бир йилда пишлоқ ишлаб чиқариш ўртача 14 млн. тоннани ташкил этади. Ер юзида пишлоқларнинг 500 дан ортиқ турлари мавжуд бўлиб, улардан атига 20 яқини бизнинг республикамиизда ишлаб чиқарилади. Четдан импорт қилинаётган пишлоқ маҳсулотларининг сифати давлат стандартлари, санитария эпидемиология хужжати ва ташкилот стандарти бўйича биокимёвий, физик-кимёвий ва органолептик усуллар ёрдамида назорат қилиш орқали илмий асосида тўғри сертификатлаш мухим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда барча маҳсулотлар қатори пишлоқ маҳсулотларини ҳам экспертизадан ўтказишни замонавий ва тезкор услубларини ишлаб чиқиш, уларнинг кимёвий таркиби асосида ҳалқаро код рақамларини жорий этиш ва такомиллашган сертификатлашни йўлга кўйиш бўйича муаён натижаларга эришилмоқда. Сифатли пишлоқ маҳсулотлари сифатли сутдан технологик жараёнларни қўллаш орқали олинади. Сутнинг таркибида 12 хил витаминлар мавжуд бўлиб, улардан А, Д₁, Д₂, Б₂ витаминлари жуда мухим аҳамиятга эга.

Сут ва сут маҳсулотлари инсон организмини витамин А ва Б гурухи витаминларига бўлган эҳтиёжини тўла, С ва Д витаминларига бўлган эҳтиёжини қисман қондириши мумкин. Ёзги сут А витамларга бой бўлади.

Сутдаги турли минерал тузлардан кальций ва фосфор тузларининг аҳамияти мухим.

Бу тузлар сутда организмга яхши сингай оладиган ҳолатида бўлади. Озиқ-овқат таркибида сутнинг бўлиши бошқа маҳсулотлардаги кальций тузининг ҳазм бўлишини кучайтиради. Қайта ишланган пишлоқлар калория таркиби, ҳайвонларнинг юқори даражадаги оқсиллари, фосфор тузлари таркибидаги табиийлардан кам бўлмаган холда бўлади. Қайта ишланган пишлоқлар, табиийлардан фарқли равишда, иссиқлик билан ишлов бериш орқали эса, пишлоқ микрофлорасининг ҳажмини сезиларли даражада камайтиради. Баъзи пишлоқ турлари (пластик ширин) сувда эритилиб, ичимлик шаклида истеъмол қилинади. Қайта ишланган пишлоқлар турли хил пишлоқлар, творог, сметана, сут кукуни, сариёғ, туз эритмаси ёки зираворларсиз ёки бошқа хом ашёлардан тайёрланади.

Пишлоқ массасининг мустаҳкамлигини яхшилади. Кейин пишлоқ массаси 60°-85°C ҳароратда вакуумли қозонларда эритилади. Эритгандан сўнг, иссиқ суюқ ҳолатда бўлган пишлоқ массаси улуши билан алюминий лакланган фолга пакетларига қадоқланади. Сутнинг таркибидаги темир модда ҳам осон ҳазм бўлади.

Куйидаги жадвалда, сутнинг кимёвий таркиби ва калориялиги келтирилган.

	Сув	100 гр сутда, гр ҳисобида				Калориялиги, к/кал 1кг сутда
		куруқ моддалар	оқсил	Ёғ	сут қанди	
Сигир сути	87.5	12.5	3.3	3.8	4.7	713
Эчки сути	87.0	13.0	3.5	4.1	4.6	758
Қўй сути	82.1	17.9	5.8	6.7	4.6	1082
Бия сути	90.0	10.0	2.0	1.0	6.7	497
Туя сути	86.4	13.6	3.5	4.5	4.9	797

Бу жадвал, барча турдаги хайвонлар сути кимёвий моддаларга бой эканини кўрсатади. Янги соғилган сут минералларга бой бўлади. У жуда кўп хусусиятига ҳам эга, яъни ўзига тушган бактерияларнинг қўпайишига йўл қўймайди ва ҳатто уларни нобуд қилиш мумкин. Янги соғилган сутнинг бактерицидлик хусусиятини саклаб қолиш учун у совитилади. Сутнинг бактерицидлик хусусияти 3 соатгача, 15°C да 8 соатга яқин, 10°C да 24 соатгача сақланади. Сутнинг сифати, уни қайта ишлаш режими ва пишлоқни тайёрлаш технологиясига қараб мазаси, қаттиқ ёки юмшоқлиги, ташки кўриниши билан бир-биридан фарқ қиласидиган ҳар-хил пишлоқлар олинади.

Бу белгиларга кўра унинг қаттиқ, юмшоқ, шўрроқ, майин ва сут кислотали хиллари бўлади. Қуруқ моддасида 20-60% гача ёғи бўлган пишлоқ таркибидаги ёғ миқдори унданги сув миқдорига қараб ўзгариши мумкин, Шу сабабли пишлоқнинг ёғлилиги қуруқ модда вазнига нисбатан олинади.

Ёғ миқдори 50% дан кам бўлмаган пишлоқда квадрат шаклли, 45% дан кам бўлмаганларга эса саккиз бурчакли штамп босилади. Пишлоқ доналарини бирлаштириш мақсадида уларга шакл берилади. Шакл беришнинг асосий фактори ҳисобланади.

Шунинг учун пишлоқ доналари совумасдан унга тезда шакл берилади.

Пишлоқ ишлаб чиқариш турига қараб шакл беришнинг қўйидаги усуллари қўлланилади:

- Тайёр пишлоқ доналари насос орқали маҳсус шакл берувчи ваннага келтирилади.

Бунда пишлоқ доналари зардоб остида пласт кўринишида йифилади. Пласт ҳосил бўлишининг охирида зардоб ажратилади ва пласт 1-5 кПа босимда 15-30 минут прессланади. Прессланган пласт маълум ўлчамларда кесилади ва пресс-шакл берувчи жиҳозда шакл берилади.

- Зардоби 50-60 % ажратилган пишлоқ доналари насос орқали шакл бериш жиҳозига юборилади. Шакл бериш жиҳозида пишлоқ ўз-ўзидан прессланади ёки баъзан улар 1-5 кПа босим остида 30-60 минут оралиғида пресслаб олинади.

- Зардоби 60-65 % ажратилган тайёр пишлоқ насос орқали зардоб ажратувчи жиҳозга келиб тушади. Зардобидан ажратилади ва пишлоқ доналари якка ёки умумий шакл бериш қолипларига солинади. Қолипда пишлоқ доналари аралаштирилади ва прессланади.

Ўзбекистон Республикаси мустакилликка эришгач жаҳон стандартлари даражасида товар яратиш учун ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш билан бир қаторда товарларга давлатлараро иқтисодий муносабатларда бериладиган халқаро код рақамларини тўғри белгилаш ҳамда маҳсулотларни сертификатлаш муаммоларини илмий асосида такомиллаштириш энг муҳим, ҳал этилиши зарур бўлган долзарб масалалардан бирига айтилади.

Республикамизга импорт қилинаётган ва экспертга чиқарилаётган пишлоқ маҳсулотлари Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТНнинг амалдаги вариантида қўйдаги тарзда **0406 позиция** билан 5 хил субпазицияда (040610, 040620, 040630, 040640, 040690) ҳамда 124 хил подсубпазицияда таснифланган.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқкан ҳолда, янги эритилган пишлоқ маҳсулотларининг ТИФТН бўйича тегишли код рақамларини ишлаб чиқишдан иборат.

REFERENCES

1. “Сут ва сут маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида” ги умумий техник регламентига (UzTR.474-020:2017)
2. Г.Х.Хамроқулов, А.А. Саматов ТҶ 26630968-01:2019 «Эритилган пишлок маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича техник йўриқнома»
3. “Standart” журнали-2022йил 1-сон
4. www.standart.uz